



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 26 июль, № 152 (9047)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлаш ва касбий таълим тизимидаги янги ёндашувларга оид тақдимот билан танишди.

Жорий йилда бу соҳада хорижий тажриба асосида янги ёндашувлар йўлга қўйилди. Банклар маҳаллаларга боғланиб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқда. Хусусан, биринчи ярим йилликда 3 миллиондан зиёд аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилинди.

Камбағалликни қисқартириш борасида яратилган тизим ҳамда сарфланаётган маблағлар ўз самарасини бериб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра камбағаллик даражаси 6,8 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли бандлигини оширишда касбий таълим сифати жуда муҳим. Бу борада иш берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш, малака оширишни янги даражага

кўтариш ҳамда хусусий сектор иштирокини таъминлаш талаб этилмоқда. Касбий таълимнинг меҳнат бозори эҳтиёжларига мос келмаслиги кадрлар тайёрлашда муайян муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Меҳнат муносабатларидаги айрим меъёрлар тадбиркорлик субъектлари, айниқса, кичик корхоналар учун мураккаблик туғдирмоқда. Ишга қабул қилишда ахборот технологиялари имкониятларида тўлиқ фойдаланилмаётган.

Шунингдек, амалдаги талаблар иш берувчиларни ҳақиқий вакансияларни очиб эълон қилишга рағбатлантирмайди. Оқибатда бу маълумотларни яширишга олиб келиб, меҳнат бозорини тўғри таҳлил қилиш ҳамда касбий таъ-

лим йўналишларини аниқлаш имконини чекламоқда.

Тақдимотда мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган янги режа ва ташаббуслар ҳақида маълумот берилди.

Унга мувофиқ меҳнат органлари иш берувчиларга нисбатан жазо қўловчи эмас, балки ҳамкор сифатида фаолият юритувчи, уларга хизмат кўрсатувчи тузилмага айланиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, иш берувчилар томонидан бўш иш ўринлари тўғрисидаги мажбурий маълумотларни тақдим этмаслик ва жўнатилган номзодларни ишга олмаслик учун жазо чораларини бекор қилиш тақлиф этилмоқда. Бу орқали бандлик органлари иш берувчилардан тўғри ва ҳаққоний маъ-

лумотларни тўплаб, уларга иш излаётган фуқароларни йўналтиради. Иш берувчи эса номзодни қабул қилиш ёки қилмаслиқни ўзи ҳал этади.

Ушбу тизимни жорий этиш учун махсус электрон платформа яратилиб, дастлаб Тошкент шаҳрида тажриба тарикасида бошланади ва кейинчалик бутун мамлакат бўйича татбиқ этилади.

Шу билан бирга, мутахассис топиш мураккаб бўлган вакансиялар касбий таълимнинг асосий йўналишларига айлантирилиб, тайёргарлик жараёнларини мақсадли ташкил этишга хизмат қилади.

Касбий таълим сифатини янада ошириш мақсадида хусусий сектор вакилларини Касбий кўникмалар марказлари фаолият-

тига жалб этиш, айрим марказларни эса аниқ соҳалар бўйича ихтисослаштирилган таълим масканларига айлантириш режалаштирилган.

Мутасаддиларга касбий таълимни уч босқичли тизимга ўтказиш вазифаси қўйилди. Жумладан, интернет орқали бепул видеодрларни жорий этиш, ишловчи фуқароларга қайта тайёргарлик ёки малака ошириш учун “касб ваучери” орқали имконият яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари малакали кадрлар тайёрлаш республикада ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга хизмат қиладиган энг муҳим омиллардан бири эканини таъкидлади.

Ў.А.

Сенатор ва ҳаёт

ҲУДУДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Тошкент вилоятига хизмат сафари доирасида ҳудудда ижтимоий-иқтисодий соҳада тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Хусусан, сенатор Қибрай туманидаги Бойжигит маҳалласида жойлашган инклюзив боғчанинг қурилиш жараёни билан танишди. Мазкур боғча билан боғлиқ масала Сенат яппи мажлисида муаммоли, деб топилган эди. Мутасаддилар томонидан қурилиш ишларини 2025 йил октябрғача аяқлаш ва уни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти Физioterapia ва пульмонология маркази ҳамда Қибрай тумани тиббиёт бирлашмасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, беморлар ва шифокорлар учун яратилган шароитлар ўрганилди. Бу жараёнда мазкур муассасаларда электр энергияси, иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги аниқланди ва уларни бартараф этиш юзасидан масъуллар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Сенатор Чинобод, Шодлик ва Ўткир маҳалларида “маҳалла еттичилиги” фаолияти билан ҳам танишди. Маҳалла раиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва бошқа масъуллар билан бўлиб ўтган суҳбатда аҳолининг муаммоларини аниқлаш, уларга ечим топиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, сенатор иштирокида Қибрай туманида сайёр қабул ҳам ташкил этилди. Фуқароларнинг имтиёзли кредит ажратиш, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби мурожаатлари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

РАҚАМЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 2025 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларига эришиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Рақамли технологиялар вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, Рақамли технологиялар вазирлиги мутасаддилари, шунингдек, ОАВ вакиллари қатнашган тадбирда таъкидланганидек, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 2025 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларига эришиш доирасида тизимли ишлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Хусусан, 2025 йил январь — май ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ўсиш суръати 123,5 фоизни

ташкил этди. АКТ соҳасида ўзини ўзи банд қилганлар сони деярли 100 минг нафардан ошди. IT ва масофавий хизматлар экспорти географияси ҳам кенгайтирилиб, 90 дан ортиқ давлатларга хизматлар кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, 2025 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 54 та янги электрон хизмат жорий этилиб, жами хизматлар сони 761 тага етказилган.



Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон транспорт ўлаги:

МИНТАҚАЛАРАРО ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

Марказий Осиёда транспорт ва транзит ҳақидаги битимни ишлаб чиқиш, бизнес учун қўлай бўлган оралик тарифларни қўллаган ҳолда, Хитой, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига йўл очиб учун самарали транспорт коридорларини ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни шакллантириш Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатида устувор вазифалар сирасига киради. Айни йўналишда транспорт хизматлари бозорини либераллаштириш ва руҳсат этишга доир тартиб-таомилларни оптималлаштириш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш, халқаро ташувларнинг интеграциялашган рақамли платформасини яратиш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Нуктаи назар

Шарқу Фарб, Шимол ва Жануб чорраҳасида

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва ташқи савдо ҳажминини оширишда халқаро бозорларга чиқиш учун логистика муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш муҳим омил саналади. Таникли француз иқтисодчиси Жак Аттали ўзининг “Келажаkning қисқача тарихи. Дунё яқин 50 йил ичида” асарида ёзганидек, давлатлар ҳар доим савдо йўллари ва қарвонлари ўз ҳудудларидан ўтишлари учун курашган, негаки, бу нафақат

иқтисодийётлари ўсиши ва аҳолиси фаровонлиги учун ёрдам берган, балки мамлакатнинг минтақавий ёки глобал савдонинг фаол қатнашчисига, шунингдек, тарихий тараққиёт ва илмий-инновацион ривожланиш марказига айлантиради.

Шу нуктаи назардан, Шарқ ва Фарб, Шимол ва Жануб йўллари туташган ҳудудда жойлашган Ўзбекистон учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳар доим устувор ва-зифа саналган.



Ташқи савдо айланмаси 37 миллиард АҚШ долларига етди



Export
Import

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 194 та мамлакатини амалга ошириб келмоқда.

Миллий статистика кўмитаси маълумотларига кўра ташқи савдо айланмаси ҳажмида экспорт улуши 16,9 млрд. долларни ташкил этди.

Мамлакат ташқи савдо айланмасининг юқори улуши ХХР (17,7 фоиз), Россия (16,3 фоиз), Қозғоғистон (6,0 фоиз), Туркия (3,6 фоиз) ва Корея Республикаси (2,3 фоиз) ҳиссасига тўғри келди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 76,0 фоизни ташкил этиб, жумладан, саноат товарлари 10,9 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 7,2 фоиз, кимёвий воситалар 5,8 фоиз, минерал, ёнилғи-мойлаш материаллари 4,3 фоиздан юқори бўлди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 37 млрд. АҚШ долларига етди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 5,1 млрд. долларга ёки 16,1 фоизга ошган.



ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР



Франция пойтахтида Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди

Париж шаҳридаги “Emile Anthoine” спорт марказида бўлиб ўтган мусобақалар Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан Халқаро кураш ассоциацияси, Европа кураш конфедерацияси, Франция кураш федерацияси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг Париждаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Бу йилги мусобақаларда дунёнинг 25 давлатидан юзга яқин полвонлар қатнашди. Турнирда спортчилар -90 ва +90 килограмм оғирликда, аёллар -70 ҳамда +70 килограмм вазн тоифасида голиблик учун кураш олиб борди.



Соҳилбўйи туризми: янги ташаббус ва истиқболли лойиҳалар

Норин дарёси соҳиллари баҳаво иқлими ва яшилликча чулганган манзаралари билан ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Шундан келиб чиқиб, дарёнинг Ўйчи туманидан оқиб ўтадиган қисми қирғоғини замонавий сайёҳлик манзилига айлантириш лойиҳаси ишлаб чиқилди.



Дарё бўйидаги 20 гектар майдонда барпо этиладиган туристик сайилгоҳ истиқболлилиги билан эътиборга молик. Бу ердаги дастлабки лойиҳалардан бири маҳаллий “Санлитун” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилмоқда.



Китоб совға қилиш — эзгу анъана

Адлия вазирлиги ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳа доирасида Сирдарё вилоятидаги давлат хизматлари марказларида “Зиё улаш” бурчаклари ташкил этилди.



— Маърифат ва китобхонлик тарғиботида қаратилган ушбу лойиҳа “bookcrossing”, яъни китобларни эркин алмашиш тамойилига асосланган, — дейди Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Дилноз Умурсоқова. — Эндilikда давлат хизматлари ҳамда юридик хизмат кўрсатиш марказлари, ФХДЁ органлари ва “Мадад” ННТ бюрорларига келувчилар ўзларига керакли китобларни олиб кетиши ва ўз навбатида, уларнинг ўрнига бошқа адабиётларни қолдириши мумкин. Бу эса “Зиё улаш” бурчакларининг адабиёт фонди мунтазам янгиланиб туришини таъминлаши билан бирга китобхонлик ва мутолаа маданиятини ҳам мустаҳкамлайди.

Лойиҳага кенг жамоатчилик, турли соҳа вакиллари ҳам фаол қўшилмоқда. Эътиборлиси, ушбу эзгу ишга келин-куёвлар ҳам бош қўшаётир. Яъни ФХДЁ органларига никоҳни қайд этишга келганларнинг “Зиё улаш” бурчагига китоблар совға қилиши ибратли анъанага айланмоқда.

Айтишларича, “Зиё улаш” лойиҳаси асосида ҳозиргача 3 мингдан зиёд китоблар қабул қилинди ва шундан 2 719 таси эҳтиёжманд оилалар, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига берилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Сурхондарё вилояти халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгашида “Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини намунали ташкил этишнинг устувор йўналишлари: муаммо ва ечимлар” мавзuida ўқув семинари уюштирилди.

Семинар

Сурхондарё вилоятидан сайланган сенаторлар, вилоятдаги туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, котибият ходимлари, сиёсий партиялар вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда журналистлар қатнашган тадбирда халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгашининг иш тажрибаси билан танишилди.

Жумладан, иштирокчилар маҳаллий Кенгаш фаолиятини самарали олиб бориш бўйича эришилган натижаларни муҳокама қилди.

Олий Мажлис Сенатининг Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази масъул ходимлари томонидан Кенгашлар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, норма ижодкорлиги фаолиятини ташкил этиш, маҳаллий бюджетни ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ҳамда ихросини назорат қилиш, шунингдек, режалаштириш ҳамда ҳисоботларни юритиш борасида депутатларга тегишли тушунтиришлар берилди.

Семинар сўнгida жорий йил якунига қадар вилоятдаги барча туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятини намунали ташкил этиш чораларини кўриш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИ РЕЙТИНГИ ЁКИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛЛИГИНИ АНИКЛАШ БЎЙИЧА СИРДАРЁ ТАЖРИБАСИ

Сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг жамиятдаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституцияда маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимларининг ажратилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди. Энди эса “Кучли Кенгаш — ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида амалий ишларга ўтилмоқда.

Фикр

Табииyki, маҳаллий Кенгашлар ҳаётидаги ана шундай туб ўзгаришлар “Ихро ҳокимиятидан алоҳида бўлган ишни нимадан бошлаш керак?” деган саволни ўртага ташлади. Аммо орадан кўп ўтмай, ўтган йил 19 ноябрь куни Президентимиз Олий Мажлис Сенати 1-яли маж-лисидаги нутқида шу ва бошқа барча саволларга жавоб бериб, маҳаллий Кенгашлар олдида норма ижодкорлиги, яъни янги қонунлар лойиҳалари муҳокамасида халқнинг иштирокини таъминлаш, қабул қилинган қонунлар ва қарорлар моҳиятини сайловчиларга жонли, ишонарли ҳамда тушунарли етказа олиш, ҳудудларни ривожланти-риш дастурлари ихросида қатъий депутатлик назорати-ни ўрнатиш, маҳаллий бюджет ихроси устидан назорат-ни таъминлаш каби вазифаларни қўйган эди.

Айни шу масалаларни бекаму кўст адо этиш учун халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши котибияти янги-ча ишлаш услубларини ишлаб чиқди. Унга кўра, ойнинг сўнгги кунлари “Маҳаллабай ишлаш ўн кунлиги” деб эълон қилиниб, унда сайловчилар билан учрашувлар ва муло-қотлар давомидида аниқланган муаммолар даражасига қараб “маҳалла — туман — вилоят — республика” миқё-сида кўриб чиқилмоқда. Жумладан, жорий йил 1-чорак-даги учрашувларда сайловчиларимиз томонидан жами 223 та муаммо кўтарилган бўлиб, уларнинг 132 таси ма-ҳаллаларнинг ўзисида ҳал бўлди. 65 таси Кенгаш ҳузурида-ги доимий комиссиялар йиғилишларида ўз ечимини топ-ган бўлса, 26 та масала навбатдаги сессияларда муҳока-ма қилиниши белгилан олindi.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш бора-сидаги Сирдарё тажрибасининг муҳим жиҳатларидан яна бири — унда халқро ҳамкорликка кенг ўрнати берилган-дир. Хусусан, ўтган йил 20 апрель куни вилоятимизда уюштирилган Жанубий Корея билан бизнес-форум дои-расида Кеванджу метрополитен шаҳри Квансан-Гу тумани делегацияси билан халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши ўртасида англашув меморандумини имзоладик. Унга кўра, икки маҳаллий Кенгашлар ўзаро алоқалар ўрна-тиб, иқтисодий, туризм, маданият, таълим каби соҳа-ларни ривожлантириш учун фаол алмашув ишларини олиб боришга келишди.

Бундан ташқари, депутатларнинг фаоллигини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида Сирдарё вилояти Кенга-шида 2024 йил 24 декабрдаги сессия қарори билан янги лойиҳа, яъни депутатлар фаолият самарадорлигини баҳо-лашнинг рейтинг тизими жорий қилинди. Чунки кучли Кен-гаш бўлиши учун, аввало, кучли депутат бўлиши лозим.

Мазкур баҳолаш мезонларига кўра, депутатнинг амалга оширган ҳар бир иши 10 баллик тизим асосида баҳола-ниб борилади. Мисол учун, норма ижодкорлиги, сайлов-чилар билан ой давомидаги учрашувлар, депутат сўрови юбориш ва бошқа бир неча депутатлик вазифалари их-роси учун 5 баллдан баҳо қўйиб борилади. Энг катта 10 баллик эътироф “маҳалла еттилиги” ҳамда сайловчи-лар билан ўтказилган учрашувларда кўтарилган муаммо-лар ҳал этилишидаги иштирок учун берилади. Мазкур рейтинг тизимини юритиш ва назорат қилиш Кенгаш ҳузу-ридаги Регламент ва депутатлик одоб-ахлоқи масалала-ри бўйича доимий комиссия зиммасига юклатилган.

Айтиш мумкинки, ушбу тизим жорий қилингандан сўнг депутатлар фаолияти янада кучайди, фаоллиги ошди, муҳими самарадорлик даражаси кўтарилди.

Таъкидлаш лозим, депутат фаолиятини рейтинг асо-сида баҳолашнинг афзалликлари кўп. Улардан бири — натижадорлиқнинг юқорилиги бўлса, иккинчиси, депутат-лар фаолиятига бериладиган баҳонинг аниқ мезонларга асослангани, яъни ҳаққонийлиғидир. Айни мана шу талаб ва жиҳатлар депутатларимизни янада фаол бўлиш-га ҳамда зиммаларидаги халқ ишончидек катта вазифага масъулият билан ёндашишга ундаётёр.

Абдушукр АБДУРАҲМОНОВ,
халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгаши котибияти мудири,
вилоят Кенгаши депутати.

ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ТАКЛИФ БЕРДИ

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси айни вақтда кенг жамоатчилик, айниқса, тадбиркорларни қизиқтирмоқда.

Очиқ парламент

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонун-чилик палатасининг Бюджет ва иқти-содий масалалар қўмитаси аъзолари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда тадбиркорлик субъекти вакил-лари билан учрашди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан амал-даги 2 та кодекс ҳамда 3 та қонунга тадбиркорларга ангилликлар беришга қаратилган қатор ўзгаришриш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектла-рини тугатиш тартибинан соддалашти-риш, юқори технологиялар асосида махсулотлар ишлаб чиқаришда тадбир-корлик субъектларига фойда солиғи ва мол-мулк солиғидан имтиёз бериш, ҳудудий яйлов ҳўжаликларининг дои-мий фойдаланишдаги яйлов ерлари ер солиғидан озод қилиниши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, енгил саноат ва хизматлар соҳасини, ипотека бозори ва фармацевтика махсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва креатив парк-нинг резидентларини қўллаб-қувват-лашга қаратилган солиқ имтиёзлари назарда тутилмоқда.

Учрашувда қатнашчилар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан қатор так-лиф ва тавсиялар билдирилди. Уни янада тақомиллаштириш, хусусан,

тақдим қилинаётган имтиёзларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсади-да айрим нормаларни аниқлаштириш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ-лаштириш юзасидан таклифлар берилди.

Ишчи гуруҳга қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни-да очиқ мулоқотда билдирилган так-лиф ва фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиб, асосли деб топилган таклиф-ларни инobatга олиш тавсия этилди.

Руслан ЖУМАМУРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Тадбиркорлар, соҳа масъулла-ри билан мулоқотимиз қизгин ва са-марали кечди. Тадбиркорлик фа-лиятти учун манфаатли бўлган қатор масалалар ўртага ташланди. Хусу-сан, ҳудудий яйлов ҳўжаликларининг доимий фойдаланишдаги яйлов ер-ларини ер солиғидан озод қилишда солиққа солиш объектини янада аниқлаштириш юзасидан Солиқ ко-дексига таклифлар берилди. Яъни лойиҳада кўзда тутилган мақсад ай-нан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузурида давлат муассасаси шаклида ташкил этилган корхоналарга имтиёз бериш ҳисобланади.

ЭКОФАОЛЛАР ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШДА ИЗЧИЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамкорлигида экология соҳасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда экофаоллар билан очиқ мулоқот ташкил этилди.

Унда Қонунчилик палата-си депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятлари вакиллари, Ёшлар парламенти аъзола-ри қатнашди.

Учрашувда атроф-муҳит-ни муҳофазалаш, табиатдан оқилона фойдаланиш, эко-логик муаммоларнинг ҳал этиш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани таъкид-ланди. Депутатларнинг фаол ташаббуси ва ишти-роқи билан соҳага бид

20 дан ортиқ қонунлар ва халқро ҳужжатлар қабул қилингани, экологиянинг ҳар бир йўналиши бўйича давлат дастурлари, страте-гияларнинг ишлаб чиқилга-ни табиий мувозанатнинг кафолати бўлмоқда. Таъкидланганидек, соҳа-да илгари сурилаётган та-шаббусларни амалиётга татбиқ этиш ва уларнинг ҳаётлилигини таъминлашда давлат органлари, илмий тадқиқот институтлари би-лан бир қаторда экофаол-ларнинг иштирокини таъ-минлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнларида, айниқса, экология соҳасида жамоат-чилик назоратини амалга оширишда экофаоллар, экология, атроф-муҳит му-ҳофазаси, иқлим ўзгариши-га бефарқ бўлмаган фи-дойилар ҳамда ёш тадқи-қотчиларнинг иштирокини кенгайтириш зарур.

Мазкур амалиёт қонун-ларнинг илмий ва амалий жиҳатдан пухта бўлишида, қонун ижодкорлигида но-давлат нотижорат ташки-лотлари билан парламент ҳамкорлигини мустаҳкам-лаш ҳамда қонунларнинг халқчиллигини таъминлаш-да муҳим ўрин тутди.

Мулоқотда мамлақати-мизда экологик муаммолар-ни ҳал этиш, табиий ресурс-

лардан самарали фойда-ланиш, атмосфера ҳавоси-ни муҳофаза қилиш, био-хилмаҳилликни сақлаш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқлим ўзга-риши оқибатларини юм-шатиш масалаларида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар билди-рилди. Экология ва атроф-чилик назоратини амалга оширишда қилиш масалалари қўмитаси томо-нидан ташаббус ҳуқуқи асо-сида ишлаб чиқилаётган “Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳа-си маромига етказилишида экофаоллар ўзларининг так-лиф ва тавсиялари билан фаол иштирок этишлари билдирилди.

Учрашув якунида пар-ламент вакиллари билан экофаоллар ўртасида дои-мий маслаҳатлашув ва фикр алмашини механизмни йўлга қўйиш бўйича кели-шиб олинди.

«Халқ сўзи».



РАҚАМЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Кўмита аъзолари амалга оширилаётган ишлар ҳолати-ни таҳлил қилиб, ягона порталда янги электрон хизмат-лар жорий этиш орқали уларнинг сонини ошириш, сунъий интел-лектга асосланган дастурларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган юқори самарали, замонавий сервер қурilmаларини ишга туши-риш каби масалаларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, депутатлар томонидан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ихросини ўз вақтида са-марали амалга ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Эшитув якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжа-лиги масалалари қўмитаси томонидан Қишлоқ ҳўжалиги вазир-лиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида стра-тегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқро маркази ҳамкорли-гида давра сўхбати ўтказилди. Унда озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида белгиланган стратегик мақсадлар самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Маълум қилинганидек, Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги со-ҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқро маркази фаолиятида халқро молия ташкилотлари билан ҳамкор-ликда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини янада тарақ-қий эттириш, деҳқон ва фер-мер ҳўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредит маблағларини йўналти-риш орқали ҳудудларда янги лойиҳаларнинг молиялаштири-лишига катта аҳамият қаратил-моқда.

Бундан ташқари, озиқ-овқат тақчиллигининг олдини олиш, етиштирилаётган махсулотлар-нинг сифат даражасини назо-рат қилиш муҳим вазифа си-фатида белгиланган.

Депутатлар марказ томони-дан олиб борилаётган ишларга эътибор қаратди. Хусусан, қатор халқро молиявий таш-килотлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган лойиҳалар дои-расида 2 млрд. доллар миқдо-рида имтиёзли кредит маблағ-лари ажратилгани, шундан ўзлаштирилган маблағ 1 млрд. 400 млн. долларни ташкил эт-гани таъкидланди.

Бу маблағлар озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасини институционал таҳлил қилишни кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларига замонавий техноло-гияларни кенг жорий этиш, юқори қўшилган қийматли экс-портбоп махсулотлар ишлаб

чиқариш ҳажмларини ошириш, янги уруғ навларини яратиш каби йўналишларга сарфлан-ган. Энг муҳими, бунда замо-навий кадрлар салоҳияти оши-рилишига ҳам катта аҳамият қаратилган. Мазкур маблағлар ҳисобига 7 500 дан ортиқ лойи-ҳалар молиялаштирилиб, нати-жада 58 386 та иш ўрни яратилган.

Йиғилишда марказ томони-дан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритаётган илмий-текшириш институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 115 млн. доллар маблағ ажра-тилгани қайд этилди. Ушбу маб-лағларни илмий институтлар моддий-техника базасини ях-шилаш, қишлоқ ҳўжалигида амалий тадқиқотлар ва ишлан-малар жорий этилишини таъ-минлаш, ҳудудларга мос кела-диган уруғ ҳамда кўчатлар ишлаб чиқарилишини қўйи-тиш, тупроқ, сув ва бошқа элементлар таҳлилининг ин-новацион усулларини ҳаётга татбиқ қилишга йўналтириш бўйича олиб борилаётган иш-лар таҳлили кўриб чиқилди.

Тадбирда қонун ижодкорли-ги жараёни ва парламент на-зорати тадбирларини олиб бо-ришда марказ билан ҳамкор-лиқнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, бу борада келгуси-даги муҳим йўналишлар бел-гилаб олинди.

«Халқ сўзи».

АДОЛАТ, ТЕНГЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — УСТУВОР МАҚСАД

Ҳозирги глобаллашув даврида давлат ва жамият муносабатларини барқарорлаштиришда сиёсий партиялар ҳам фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари сингари муҳим роль ўйнайди. Хусусан, Ўзбекис-тон “Адолат” социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатаси-даги фракциясининг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти жа-миятда қонун ва иқтимоий адолат тамойиллари устуворлигини таъ-минлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохот-ларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Сарҳисоб

Қонун ижодкорлиги, назорат-тах-лил фаолияти ҳамда бошқа тадбир-ларни самарали ташкил этишда фракция томонидан тасдиқланган “2025 йилга мўлжалланган чора-тад-бирлар режаси”га таянildi.

Ҳисобот даврида жами 30 маро-таба фракция мажлиси ўтказилиб, уларда 255 та масала муҳокама қилинди. Депутатларимиз бошқа фракциялар билан биргаликда 6 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритишда ҳамташаббускор бўлди.

“Фракция — марказ — вилоят — туман” тизими орқали партия билан ҳамкорликда юнга яқин қонун лойи-ҳаларининг йўналишдаги муҳокамаси ташкил этилиб, уларда фуқаролар то-монидан билдирилган асосли таклиф-лар ва фикр-мулоҳазалар белгилан-ган тартибда масъул қўмиталарга тақ-дим қилинди.

Долзарб масалалар юзасидан ман-сабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш ташаббусини илгари суриш-да ҳам фракциянинг роли ва ўрни ортди. Депутатларнинг жойлардаги ўрганишлари ҳамда сайлов округла-ридаги фаолиятлари давомидида аниқ-ланган долзарб масалалар бўйича бе-рилган таклифлари асосида 1 марта “парламент эшитиuvi”, 2 марта “хуку-мат соати” ўтказилди ҳамда 1 та “пар-ламент сўрови” юборилди.

Ҳисобот даврида давлат органла-рининг мансабдор шахсларига жами 21 та депутат сўрови юборилди. Бун-дан ташқари, фракция мажлислари-

да жойларда қонун ва қонуности ҳуж-жатларининг ижро этилиши ҳолати, депутатларнинг сайлов округларида-ги фаолиятлари давомидида аниқлан-ган тизимли муаммолар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотла-ри эшитиб боришмоқда.

Фракция томонидан жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш чораларини кўриш, муножаат-лар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳоли муаммоларини таҳлил қилиш ва уларнинг ечими юзасидан таклиф-лар ишлаб чиқиш мақсадида Самар-қанд, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Жиззаҳ, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўрганишлар ўтказилди.

Айниқса, жорий йил 16 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбар-лигида ўтказилган йиғилишда белги-ланган вазифалар ихроси юзасидан, шунингдек, Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилаётган кенг қамровли ис-лохотлардан аҳолининг хабардорли-ги, ислохотларнинг амалда ижро қилинаётгани, иқтимоий-иқтисодий соҳаларда юзага келаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ва аҳолини қийнаётган масалаларни бартараф этишга қўмаклашиш мақсадида Жиззаҳ ва Сирдарё вилоятларида ўрганишлар ўтказилди. Бу ислохот-ларнинг жойлардаги реал ижроси ва аҳоли қайфиятини бевосита таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни аниқ-лаш ҳамда уларнинг ечими юзаси-дан аниқ қонунчилик таклифларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Эътиборлиси, ўрганишлар давоми-да аниқланган долзарб масалалар фракция мажлисларида муҳокама қилиниб, тегишли вазирликлар, идо-ралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиб бо-рилиши яхши аънаъга айланди. Маз-кур жараёнга партиянинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий Кенгаш-лардаги партия гуруҳлари ҳам фаол жалб этилди.

Маълумки, фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти жа-миятнинг талаб ва эътиёжларини аниқлашда, жойлардаги муаммолар-ни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Фракция аъзолари ҳисобот даври-да жами 1221 та учрашув ўтказиб, уларда 21 609 нафар аҳоли қамраб

“Фракция аъзолари ҳисобот даврида жами 1221 та учрашув ўтказиб, уларда 21 609 нафар аҳоли қамраб олинди. Ҳудудлардаги 612 та аҳоли хонадони, 284 та тадбиркорлик субъекти ва 649 та ижтимоий соҳа объектига таширф буюрилди.”

олинди. Ҳудудлардаги 612 та аҳоли хонадони, 284 та тадбиркорлик субъекти ва 649 та ижтимоий соҳа объектига таширф буюрилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муножаатлари билан ишлаш бўйича ҳам муайян сазй-ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, фракция аъзо-лари номига аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакилларидан жами 63 та муножаат келиб тушди.

Фракция мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг маъзун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, муҳим тармок ва соҳаларда мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан те-гишли таклифларни ишлаб чиқиш бўйича тадбирлар ўтказди.

Ҳисобот даврида фракциянинг партия билан ўзаро алоқаларини яна-да мустаҳкамлаш, ҳамкорликда жой-лардаги долзарб масалалар ва мав-жуд камчиликларни ўрганиш, уларга ечим топишда натижадорликка

эришишга қаратилган ишлари давом эттирилди. Хусусан, биргалик-да ўтказилган тадбирларда 47 та ма-сала кўриб чиқилди.

Ҳамкорликда жойлардаги муаммо ва камчиликларни ҳал этиш, тадбир-корлиқни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ҳамда аёллар муаммоларига сама-рали ечим топишга қаратилган “Биз коррупцияга қаршимиз”, “Бир ойда — бир иш ўрни”, “Еш адолатчилар”, “Ватан келажаги ёшлар қўлида”, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” каби лойиҳалар амалга оши-рилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида фрак-ция аъзолари ҳамда партия ходим-лари жойларда ташкил қилинган ки-чик ишчи гуруҳлар билан биргаликда

ҳудудларга таширф буюриб, уларда 20 минг нафардан зиёд сайловчилар, шу жумладан, тиббиёт, ҳуқуқни муҳо-фаза этиш органлари ходимлари ҳамда партия электорати қамраб олинди.

Шунингдек, апрель ойида эълон қилинган “Коррупцияга қарши ку-рашиш йиллиги” доирасида бу бо-рада қатор тадбирлар амалга оширилди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 2 — 13 июнь кунлари партия ташаб-буси билан ўтказилган “Бор меҳри-миз сенга, болажон!” — бегараз до-норлик акцияси юртимиз бўйлаб кенг

қўллаб-қувватланган зегу ташаббус-лардан бирига айланди. Дастлаб, пойтахтимизда жойлашган Республи-ка ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида ташкил қилинган акцияда фракция аъзолари фаол иштирок этди.

Депутатлар донорлик жамиятини кўрсатишда намуна бўлишди ҳамда аҳоли ўртасида бегараз донорлиқнинг аҳамияти, унинг инсон ҳаётини сақлаб қолишдаги ўрни ҳақида фикрлар билдиришди. Улар учун бу нафақат тиббий ёрдам кўрсатиш, балки жамиятда инсонпарварлиқни тарғиб қилиш имконияти ҳамдир.

Бу сазй-ҳаракатлар, шубҳасиз, партиянинг фаол, инсонпарвар ва иқтимоий масъулиятли фаолияти-нинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Шу билан бирга, акция минглаб партия фаоллари, депутатлар ва кўнглилиларини умумий мақсад — бе-мор болажонлар ҳаёти учун кураш-да бирлаштирди.

Донорлик акциясида жами 3 тон-надан ортиқ “хаёт томчилари” йиғил-ди. Бу эса 8 мингга яқин бемор бо-лажонларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаётини сақлаб қолиш имконини яратди.

2025 йилнинг биринчи ярим йил-лиги давомидида фракция аъзолари ўз вазифаларига масъулият билан ёнда-шиб, сайловчиларнинг фикрлари, талаблари ва таклифлар

Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон транспорт йўлаги: МИНТАҚАЛАРАРО ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

Бу борадаги лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил — Марказий Осиёда барқарорлик ва бирдамлик бугун тобора мустаҳкамланмоқда. Натижада иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаол минтақалардан бирига айланмоқда. Ғарбни Шарқ ва Шимолни Жануб билан боғлайдиган транспорт хаби бўлишдек тарихий вазифани яна ўз зиммасига олмоқда.

Темир йўл транспорти Ўзбекистоннинг асосий ички ва давлатлараро ташувларида етакчи позицияни эгаллайди. Мамлакат иқтисодиёти ҳам унга боғлиқ бўлиб келган. Бу бежиз эмас. Темир йўл транспорти бошқа воситаларга нисбатан арзон. Шу боис республикамиз қулай имкониятдан фойдаланиб, транзит мамлакатга айланишга, турли транспорт ва темир йўл йўлакларини ўз ҳудудидан ўтказишга ҳаракат қилмоқда.

Собик иттифок парчаланганидан сўнг денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатлар сони 34 тага етди. Ўзбекистон бу рўйхатда алоҳида ўрин эгаллайди, чунки у жаҳон океанига камида икки давлат орқали чиқадиغان иккита мамлакатдан бири. Географик жойлашувимиз ҳам геосиёсий, ҳам геоиқтисодий нуқтаи назардан доим муайян мураккаблиklar туғдириб келган. Денгиз йўлларида узилган Ўзбекистон учун махсуслот импорти ва экспортида транспорт харажатларининг улуши юқорилигича қолмоқда. Яъни республикага олиб кириладиган ёки аксинча, мамлакатдан хорижга жўнатиладиган махсуслотнинг ҳар бир тоннаси бизга бошқа давлатларга қараганда анча қимматга тушяпти.

Интеграцияни кучайтириш йўлида

Ана шу муаммони самарали ҳал этиш мақсадида Ўзбекистонда кейинги саккиз йил мобайнида транспорт йўналишларини диверсификациялаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида ташаббуслар жаддалашди. Шундай лойиҳалардан бири Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон транспорт йўлагидир.

Мазкур транспорт йўлаги минтақа давлатлари учун улкан иқтисодий имкониятлар эшигини очиб қутулмоқда. Ўзбекистон Афғонистонни минтақавий интеграцияга жалб қилишга имкон берувчи транспорт-логистика лойиҳа-



ларини амалга оширишдан манфаатдор. Мамлакатимиз, шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва бошқа халқаро шериклар билан биргаликда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи Мозори-Шариф — Ҳирот ва Мозори-Шариф — Пешовар темир йўл лойиҳаларини амалга оширишда қатнашишга тайёрлигини бот-бот такрорляпти.

Бунинг исботи ўлароқ, ўтган ҳафта Ўзбекистон, Покистон ва Афғонистон Термиз — Ноибобод — Майдоншаҳр — Лоғар — Харлачи йўналиши бўйича темир йўл лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзолади. Келишув 17 июль кун Кобулда уч давлат ташки ишлар вазирлари иштирокида бўлиб ўтган уч томонлама саммитда имзоланди. Мазкур йўналиш 2023 йил июль ойида Исломободда лойиҳага аъзо давлатлар вакиллари томонидан келишилган. Халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш стратегиясининг уч томонлама лойиҳа офиси техник-иқтисодий асосни тайёрлаб билан боғлиқ ишларга буюртмачи бўлади. У 2023 йил май ойида Тошкентда ташкил этилган бўлиб, Кобул ва Исломободда филиалларига эга.

Биринчи марта 2018 йилда тақлиф қилинган Трансафғон темир йўли лойиҳаси Ўзбекистондаги Термиз шаҳрини Афғонистоннинг Мозори-Шариф ва Кобул шаҳарлари билан, сўнгра Покистоннинг Пешовар шаҳри билан боғлашга қаратилган. Қурилиш тугаллангач, темир йўл Афғонистон орқали 700 километрдан ортиқ масофага чўзилиб, Марказий Осиё ва Арабистон денгизи ўртасида тўғридан-тўғри қуруқлик йўналишини яратди. Лойиҳа қиймати дастлаб 5 млрд. доллар баҳоланган, кейинроқ бу рақам 7 млрд. долларга етказилган. Лойиҳа Россия, Эрон ва халқаро молия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу йўналиш орқали Марказий Осиёдан Покистон портларига юкларни етказиб бериш вақти бир неча ҳафтадан бир неча кунгача қисқариши кутилмоқда.

Мозори-Шарифни Покистон денгиз портлари билан боғловчи темир йўл лойиҳалари бугунги кунда қизгин муҳокамада. Мазкур йўналишнинг очилиши Марказий Осиё давлатларининг Гвадар ҳамда Карачи портларига чиқиш ва кейинчалик Ҳиндистон ҳамда Бангладешга юклар транзитини фаоллаштириш учун кўмаклашади.

Тахдидлар ва имкониятлар

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган қатор конференция ва учрашувлар, айниқса, "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Тахдидлар ва имкониятлар" мавзuida бўлиб ўтган юксак даражадаги халқаро анжуманининг бош мавзулари трансафғон йўлидаги масалаларга бағишлангани билан аҳамиятли бўлди.

“Йўлак уч давлат ўртасидаги савдо ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Ўзбекистон Покистон орқали денгизга чиқиш имкониятини қўлга киритади. Афғонистон эса транзит мамлакат сифатида иқтисодий манфаат кўради. Покистон эса Марказий Осиё бозорига кириш имкониятини кенгайтиради.”

Лойиҳа ҳақида сўз кетганда, 2021 йил февраль ойида Тошкентда Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ўртасида Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши бўйича "Йўл харитаси" имзолаганини таъкидлаш жоиз. Лойиҳани май ойида тайёрлаш, йўл қурилиши эса 2021 йил сентябрда бошланиши режалаштирилганди. Аммо Афғонистонда ҳокимият алмашиши лойиҳани секинлаштирди. Бироқ декабрь ойида Афғонистон муваққат ҳукумати лойиҳага қўшилди. 2022 йил 18 июлда мамлакатда трансафғон темир йўлининг йўналишини аниқлаш ва лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари бўйича экспедиция ишлари бошланди.

Ўзбекистоннинг "Боштранс-лойиҳа" институти йўл қурилиш қийматини 4,6 млрд. долларга, Покистон томони эса 8,2 млрд. долларга баҳолашди. У йилига 20 млн. тоннагача юк ташиш имкониятига эга 573 км. узунликдаги магистраль қуришни назарда тутди. Янги транспорт йўла-

ги Европа Иттифоқи, Россия, Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларини боғлаши керак. Шу билан бирга, линия ҳам юк, ҳам йўловчи ташишни қўллаб-қувватлайди. Товарларни ташиш нархи ҳам камида 40 фоизга арзонлашади. Лойиҳа 2027 йил охиригача яқунланиши кутилмоқда. 2030 йилга бориб эса поездлар йилига 15 млн. тоннагача юк ташиш имкониятига эга бўлади.

Асосий иштирокчилар — Ўзбекистон, Покистон ва Афғонистон. Бу ерда худди Ҳитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасида бўлгани каби консорциум тузилади ҳамда ўша консорциум кейинчалик салоҳиятли инвесторлар ва ҳамкорлар билан ишлайди. Албатта, бу яна ҳам мураккаб лойиҳа. Асосий нуқта — хавфсизлик ва фойдаланиш имконияти муаммоси.

Ўзбекистон — Афғонистон

— Покистон транспорт йўлаги қатор жиҳатлари билан аҳамиятли.

Биринчидан, савдо алоқаларини ривожлантириш гаровидир. Йўлак уч давлат ўртасидаги савдо ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Ўзбекистон Покистон орқали денгизга чиқиш имкониятини қўлга киритади. Афғонистон эса транзит мамлакат сифатида иқтисодий манфаат кўради. Покистон эса Марказий Осиё бозорига кириш имкониятини кенгайтиради.

Иккинчидан, лойиҳа амалга ошса, транспорт харажатларини камайтиради. Транспорт йўлаги мавжуд йўналишларга

Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон транспорт йўлаги минтақа давлатлари учун улкан иқтисодий имкониятлар яратди. Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши минтақавий иқтисодий интеграцияни кучайтириб, халқларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Савдо алоқаларини ривожлантириш, транспорт харажатларини камайтириш ва минтақа давлатлари учун янги иқтисодий имкониятлар эшигини очади.

Садриддин ТУРОБЖОНОВ, Исрол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, академик.

нисбатан масофани қисқартиради. Бу эса экспорт ва импорт қилинаётган маҳсулотлар нархининг арзонлашишига олиб келади.

Учинчидан, транспорт йўлаги минтақа давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаб, минтақавий иқтисодий интеграция жараёнини тезлаштиради.

Тўртинчидан, транспорт йўлагининг қурилиши ва эксплуатацияси минглаб янги иш ўринларини яратди. Бу эса аҳолининг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, транспорт йўлаги лойиҳаси доирасида йўллар, темир йўллар, омборлар ва бошқа инфратузилма объектлари қурилади. Бу эса минтақанинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади. Айни пайтда Ўзбекистондан Покистонга юк ташиш учун бир неча йўналиш мавжуд. Уларнинг аксарияти узок вақт талаб қиладиган ва қимматга тушадиган транзит мамлакатлар орқали ўтади. Масалан, юк Қозоғистон, Россия ва Эрон орқали денгиз портларига етказилади ва у ердан Покистонга юборилади. Бу йўналишлар бир неча ҳафта, ҳатто ойлар давом этиши мумкин. Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон транспорт йўлаги бу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Олтинчидан, янги йўналиш, юқорида таъкидлаганимиздек, мавжуд йўналишларга нисбатан масофани сезиларли даражада қисқартиради. Бу эса транспорт харажатлари ва вақтини тежаш имконини беради.

Еттинчидан, транзит мамлакатлар сонининг камайиши юк ташувларини осонлаштиради ва чегаралардаги бюрократик тўсиқларни бартараф этади. Экспертларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон транспорт йўлаги юк ташувлари муддатини 30 — 50 фоизга қисқартириши мумкин. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, юк Покистонга 5 — 7 кун ичида етиб бориши мумкин, бу ҳозиргидан анча тезроқ. Бу эса экспорт ва импорт қилувчи компаниялар учун катта фойда келтиради.

Франция пойтахтида Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди



Турнирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон элчиси Нодир Ғаниев ва Халқаро кураш ассоциацияси бош қотиби Муҳаммад Ризо Нассири иштирокчиларни қўтлади.

Халқаро турнир нафақат мусобақалар майдонида, балки халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик байрамига айланди. Турнир давомида мамлакатимизнинг бой сайёҳлик ва гастрономик салоҳияти, халқ ҳунарамандлари маҳсулотлари кўрғазмаси, ўзбекистонлик санъат усталари иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш бўйича халқаро турнирда аёллар ўртасида -70 кг вазн тоифасида Оверкамп Наоми (Нидерландия), +70 кг вазнда Нунн Члоэ Жессика (Буюк Британия) биринчи ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасида эса -90 кг вазнда Ўзбекистон вакили Алихон Нодиров, яна бир полвонимиз Шерали Жўраев эса +90 кг вазн тоифасида бош совринни қўлга киритди.

Кураш баҳслари француз жамоатчилиги ва Франциядаги ушбу спорт турига мухлислик қиладиганларда катта қизиқиш уйғотди.



Филипп ОЖЕ, Довиль шаҳри мэри:

— Бугун ўзим яқиндан таниш бўлган ўзбек курашини кашф этганимдан жуда хурсанд бўлдим. Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказилган кураш турнири бир неча ҳафта аввал Довиль шаҳрида ўзбек модаси намойиши бўлиб ўтган мамлакатнинг бизлан танишувимни янада кенгайтди.

Ушбу эсда қоларли воқеа бизга фойдали алоқалар ўрнатиш имконини берди, биз уларни маданият, сайёҳлик, ҳозирда эса спорт соҳаларида янада ривожлантириш ниятида-миз. Ўйлайманки, биз бир-биримизни ақинроқ билиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришда тўғри йўлдамиз.

Оливер ГРИЗАРД, "УБАФ" банкининг халқаро савдо ва банк операциялари директори:

— Париждаги ушбу тадбирда иштирок этиш мен учун катта шараф. Ўзбекистон — жаҳон миқёсида ўз номини нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки бошқа йўналишларда ҳам кенг тараққий этаётган давлат. Ўзбекистон спорт соҳасида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Айниқса, 2024 йилда Парижда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинла-

рида Ўзбекистон атлетлари аjoyиб натижаларга эришди. Ўзбек миллий курашининг кенг миқёсда ривожланиши, Парижда нафақат Осиё, балки Европа, ҳатто Африканинг турли мамлакатлари спортчилари иштирокида ташкил этилган турнир, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Максим БУЕР, Тулуза шаҳри мэри ўринбосари:

— Бугун Париж марказида муҳим тадбир — Ўзбекистон ва Марказий Осиёда кўп асрлик анъанага айланган миллий спорт турнири ҳамда Франциянинг энг диққатга сазовор жойи — Эйфель минорасини бирлаштирган кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Охириги ойларда биз Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги муносабатларда муҳим лаҳзаларга гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон Президенти жорий йилнинг март ойида Францияда давлат ташифи билан бўлиб, унинг доирасида Президент Эммануэль Макрон билан учрашди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида

«Дунё» АА. Париж

Соҳилбўйи туризми: янги ташаббус ва истиқболли лойиҳалар

— "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиши бошланган 50 сотих майдондаги "Bali" сайёҳлик мажмуасига 3 миллиард сўм миқдоридан инвестиция йўналтирялган. — дейди лойиҳа ташаббускори Эгамберди Ваҳобов. — Унинг таркибидан ўрин оладиган кўп қиррали маданий дам олиш иншоотлари, жумладан, спортнинг бир неча турларига мўлжалланган стадион, бешта кемпинг, селфи майдони ва ресторанда дам олувчилар учун идеал шароит яратилди. Айни пайтда ишлар жадал кетмоқда, келгуси йил ёзда дастлабки сайёҳларни қабул қилишни режалаштирганимиз.

Айтиш жоизки, Норин дарёси ва бешта йирик канал оқиб ўтадиган Учқўрғон туманида ҳам соҳилбўйи туризмга алоҳида эътибор қаратилиб, 30 гектарлик майдонда мазкур йўналишдаги ме-галойиҳа ижросига киришилди. Унинг таркибига қирадиган аквапарк, капсула шаклидаги дам олиш хоналари, интерфаол аттракцион, гуллар боғи, амфитеатр, саломатлик йўлаклар, ресторанлар ва кўприкли сайилгоҳ ўлақалони ҳордиқ чиқариш имкониятини яратди. Натижада туманда ушбу йўналишда 450 дан зиёд янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ИМКОНИАТ ЧЕКЛАНИШИ МУМКИН, ИРОДА ЭМАС

Инсон мустаҳкам иродаси, катта сазй-ҳаракати ва фидойилиги билан ўз ҳаётини тубдан ўзгартариб юборишга қодир. Агар унинг жисмоний имконияти чекланган бўлса-чи, дейсизми? Тўғри, имконият чекланган бўлиши мумкин, лекин иродани чегаралаб бўлмайди — интилиш ва меҳнат орқали ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкин.

Ибрат

Бунга Термиз шаҳрининг Турон маҳалласида яшовчи Фурқатжон Қурбоновнинг ҳаёти ёрқин мисол бўла олади.

Гап шундаки, иккинчи гуруҳ ногирони бўлган бу йигит "мен ишга ярамайман" деб ўзгалардан нажот кутиб яшашни ўзига эп кўрмади. Ундай қилолмасди, ундаги гурур ва ирода ишлашга, меҳнат қилишга, ҳеч қимдан кам бўлмасликка ундади. Уй шароитида тадбиркорлиқни йўлга қўйиб, ўз ҳаётини янгича ўзанга буриб юборди.



У Тошкентда ногиронлиги борлар учун ихтисослаштирилган коллежда тахсил олди. Ўқшини тамомлаб, бир муҳдат ишсиз юргани ҳам рост. Лекин у тушкунликка тушмади, ҳаёт тарзи ўзгаришига, уни ўзи ўзгартира олишига ишонди. Бу ишонч унга кучкуват ато этди.

Кимдир арзимас иш деб, назарга илмага ҳунарга қўл урди. Яъни уйда чучвара тайёрлаб сотди. Бизнеси бироз юришгач, унинг мазкур сазй-ҳаракати маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси эътиборини тортди. Мулозим дастлаб 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишига кўмаклашди. Шу кредит орқали печь харид қилинди ва нон ҳамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ташкил этил-

ди. Бу Фурқатжон Қурбонов ҳаётида янги босқичнинг бошланиши бўлди. У тайёрлаган маҳсулотлар маҳалладаги дўконларга етказила бошланди. Фаолияти кенгайиши ортидан эса у яна бир марта кредит олиб, янги жиҳозлар — қўшимча печь, советкич ва бошқа ускуналар сотиб олди.

Аҳамиятлиси, ёш тадбиркор нон цехи билангина чекланиб қолмади. Яқиндан бошлаб у уй шароитида зотдор парранда, қўй ва қорамол боқишга киришди. Бу билан у ўз оиласи даромадини кўпайтириб қолмай, элу юртга ҳам катта наф келтирмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

ҚАЛБИМИЗНИ АСРОВЧИ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

Мулоҳаза

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6